

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ
ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ БИТИРУВЧИСИ

ЖУМАЕВ САНЖАРНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарув

Илмий раҳбар: доцент С.С.Раупов

“Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият
асослари” кафедра йиғилишида муҳокама
қилиниб, ҳимояга тавсия этилган
“ _____ ” _____ № _____ сонли баённома

Кафедра мудирини _____ доц. Очилов Ў.С.

БУХОРО - 2012

Мундарижа:

| | |
|--|-------|
| Режа:..... | 1 |
| Кириш..... | 2-4 |
| I. боб. Давлат ва сиёсий ҳокимият тушунчалари, моҳияти ва тузилиши..... | 5-24 |
| 1.1. Давлат ва унинг моҳияти..... | 5-18 |
| 1.2. Сиёсий ҳокимият ва унинг моҳияти..... | 19-24 |
| II. боб. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг шаклланиши ва ривожланиши..... | 25-45 |
| 2.1. Ўзбекистонда Конституциявий ислохотлар ва давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш..... | 25-36 |
| 2.2. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш..... | 37-45 |
| Хулоса..... | 46-47 |
| Фойдаланилган адабиётлар..... | 48-51 |

МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ.

РЕЖА:

КИРИШ

I БОБ. ДАВЛАТ ВА СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ТУШУНЧАЛАРИ, МОҲИЯТИ ВА ТУЗИЛИШИ.

1. Давлат ва унинг моҳияти
2. Сиёсий ҳокимият ва унинг моҳияти

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.

- 2.1. Ўзбекистонда Конституциявий ислохотлар ва давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш
- 2.2. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш.

ХУЛОСА.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллиги эълон қилиниши билан жаҳон ҳамжамияти қаторида Ўзбекистон мустақил давлати вужудга келди. Узок мустамлакачилик давридаги яккахоким коммунистик диктатура остида яшаган ўзбек халқи эркинликка эришди.

Мустақилликнинг илк даврида мамлакат раҳбарияти олдида мамлакат ва давлат келажагини белгилашнинг ўнлаб йуллари ва моделлари мавжуд эди. Лекин, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов бошчилигидаги давлат демократик тамойиллари асосида ривожланиш йўлини танлади. Янги миллий давлатчиликни барпо этиш арафасидаёқ Президент И.А. Каримов Миллий Мустақилликни ривожлантириш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўринни эгаллашига эришиши, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатларини мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда деб билди.

Ўзбекистон фуқаролик жамияти қуриш жараёнларида миллий анъаналар ва қадриятларга муҳим эътибор бериш, уларни демократик тамойиллари билан уйғунлаштириш натижасида барча соҳадаги ислохотларнинг миллий манфаатлар асосида рўй беришини таъминлади. Шу билан бирга, Президент И.А. Каримов мамлакатнинг ривожланиш стратегиясида хорижий тажрибалар аҳамиятини қуйидагича қўрсатиб беради: “...Биз давлатимиз келажагини ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур

этамиз. Биз умуминсоний тамойиллар ва меъёрларни, истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч- тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз”¹.

Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш борасидаги ислохотлар Президент И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисида (2010 й.12 ноябрь) ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги (2011 й. 6 декабрь) маърузаларида эълон қилинган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғояларни ҳаётга тадбиқ этиш натижасида янада чуқурлашмоқда. Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ўрганиш бугуннинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда демократик ислохотлар амалга оширилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизими ҳам демократик тамойиллар асосида тубдан янгиланди. Ушбу жараёнлар жамиятшунос олимлар ишларида ўз ифодасини топди. Ҳозиргача ушбу мавзуда ёзилган ишларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Уларнинг бир гуруҳида

¹ И.А. Каримов. Юсак маънавият- енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008. 114- бет.

ушбу муаммо мамлакатимиз ижтимоий- сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилган ислохотлар билан биргаликда ўрганилган бўлса¹, иккинчи гуруҳида эса бевосита давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида амалга оширилган ислохотлар алоҳида таҳлил қилинган². Биз ана шу адабиётларнинг барчасини ўрганиб, улардан ижодий фойдаланиб ушбу мавзунини ёритишга ҳаракат қилдик.

БМИ нинг мақсад ва вазифалари: Ушбу БМИ да Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви билан боғлиқ муаммоларни ўрганишни мақсад қилиб қўйдик. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

- Давлат ва унинг моҳияти очиқ бериш;
- Сиёсий ҳокимият ва унинг моҳияти, таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда Конституциявий ислохотлар ва давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш;
- Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш борасида илгари сурилган ғояларни ўрганиш.

¹ Буюк ва муқаддасан, Мустақил Ватан., Т., “Ўқитувчи”-2011 й., Мустақиллик: изоҳли илмий – оммабоп луғат, Т. “Шарқ”-2006 й., Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т., “Ўзбекистон”, 2008 й.

² Бердиев Б. Ўзбекистонда сиёсий тизимни модернизациялаш ислохотларининг ўзига хос қадамлари// Демократия ва инсон ҳуқуқлари 2007 й. Инсон., Мирбоев Б. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви...// Ҳуқуқ ва бурч, 2011 й., 3 сон., Раупов С.С. Конституциявий ислохотлар- демократия қафолати// БухДУ илмий ахборотлари, 2011. 4-сон.

I БОБ. ДАВЛАТ ВА СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ТУШУНЧАЛАРИ, МОҲИЯТИ ВА ТУЗИЛИШИ.

I.1. Давлат ва унинг моҳияти

Сиёсий ҳокимият мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у давлат ҳокимияти ва бошқа сиёсий ташкилотлардан таркиб топади.

Давлат- ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамиятнинг ҳаракатланишида муҳим роль ўйновчи алоҳида бир ташкилотдир. У ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг бир қисми (элементи), ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатни ҳалқдан олади ва ўзига тегишли ваколатни ўзининг махсус тузилмалари- давлат органлари орқали амалга оширади. Давлат ҳалқ манфаатини кўзласа, унга ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида, хўжалик юритишда эркинлик берса, тинчлик сиёсати юргизса, давлат демократик ҳисобланади ва тараққиётга сабаб бўлади. Аксинча, Ҳалқнинг эркинлигини чекласа, тараққиётга тўсқинлик қилса, зўравонлик билан иш олиб борса- реакцион давлат ҳисобланади. “Давлат” сўзи кўпинча “мамлакат” сўзи ўрнида ҳам ишлатилади. Масалан, айрим ҳолларда “мамлакатимиз” деган сўз ўрнида “давлатимиз” деган сўзни учратишимиз мумкин. Давлатнинг кўрсатмаси жамиятнинг ҳамма аъзолари- фуқаролар. Фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари учун мажбурийдир. Давлат қонун яратади ва ўзи ҳам қонунларга бўйсунди¹.

¹Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳли луғат. Т.: “Академия” 2001, 27-бет.

Давлат жамият сиёсий тизимида марказий ўринни эгаллайди. Негаки, у ҳокимиятни ўзига энг кўп мужассамлаштирган сиёсий ташкилот бўлиб, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ечишнинг энг кўп имкониятларига ҳам эгадир. Шу туфайли жамият сиёсий тизимини ташкил этувчи бошқа институт ва ташкилотлар ҳам айнан давлат атрофида бирлашадилар. “Давлат” кенг маъноли тушунчадир. Давлатнинг моҳиятини тушунишда 3 асосий назарий ёндошув мавжуд: ижтимоий, синфий ва сиёсий- ҳуқуқий.

Давлат ҳокимиятини тушунишдаги 1- ёндошувга кўра, давлат –умумий муаммолар ва ишларни хал этиш воситаси, у ҳуқумдорлар ва халқнинг ўзаро муносабатини тартибга солади. 2-ёндошувнинг моҳияти шундаки, давлат синфларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган ва синфий кураш бир синфнинг бошқасини бостириш қуроли бўлиб хизмат қилган. 3-ёндошувнинг асоси қуйидагича: давлат жамиятнинг ва давлатнинг ўз хаётини ташкил этувчи ҳуқуқ манбаидир¹. Албатта, учала ёндошувда ҳам муайян асос бор. Янглишув бир назарий қараш бошқаларидан устун қўйилиб, мутлоқлаштирилганда бошланади. Демак, давлатни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Давлат – суверенитетга, бошқарувнинг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг махсус аппаратига эга бўлган, шунингдек. Ҳуқуқ нормалари (қоидалари)ни яратишга қодир бўлган оммавий ҳокимиятнинг сиёсий- ҳудудий ташкилотидир.

Давлат- бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига, барча учун мажбурий

¹ Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 1999, 9-10 бетлар.

конунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган ягона сиёсий ташкилотдир.

Давлат – ҳокимиятнинг бош институти. Ҳокимият давлат орқали ўз сиёсатини амалга оширади. “Ҳокимият”, “давлат” ва “сиёсат” тушунчалари ўзаро жуда яқин бўлиб, бир-бирларини белгилаб беради.

Давлатнинг келиб чиқишига доир назариялар куйидагилардан иборат:

1. **Теологик назария** (“бутун ҳокимият худоники” деган қоидага асосланади).

2. **Патриархал назария** (давлат катталашиб кетган оиладан келиб чиққан).

3. **Шартнома назарияси** (XVII-XVIII асрларда ёйилган, давлат- онгли ижод маҳсули, одамлар келишган аҳд натижаси).

4. **Зўрлик назарияси** (давлат зўрликдаги ғолибнинг ҳокимияти).

5. **Ирригация назарияси** (Шарқда улкан ирригация иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш билан келиб чиққан).

6. **Синфий назария** (К. Маркс, Ф. Энгелс, В.И. Ленин- фикрларича давлат иқтисодий сабаблар, ижтимоий меҳнат тақсимооти, қўшимча маҳсулот ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, жамият қарама-қарши синфларга ажралиши туфайли келиб чиққан).

Давлат тўғрисидаги қарашларни энг қадимги даврлардан учратсак-да, уни ҳозирги маънода тушуниш, яъни жамиятнинг сиёсий ташкилоти тарзида ўрганиш Н. Макиавеллидан бошланган.

Давлат ҳокимияти (давлат аппарати)- бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган, муайян тузилмага бирлашган, давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг тизимидир. Давлат ҳокимияти- халқ ҳокимиятининг махсус тузилма давлат орқали амалга оширилишидир. Давлат ўз органлари орқали сиёсий ҳокимиятни амалга оширади. Ҳокимият давлат кўлида тўплангандагина у малакали ва самарали амалга оширилиши мумкин. Давлат ўзига тегишли ҳокимият ёрдамида мажбурлов ва таъсир чораларини қўлайди. Дунёдаги ривожланган мамлакатларда давлат ҳокимиятининг 4 та бўлиниш принципи мавжуд. Ўзбекистон Конституциясининг халқ ҳокимиятчилигига бағишланган 11-моддасида эса давлат ҳокимияти 3 та бўлиниш принципига асосланиши баён этилган. Улар 1) қонун қабул қилувчи (парламент); 2) ижро этувчи (Вазирлар маҳкамаси) ва 3) суд ҳокимияти. 4) Оммавий ахборот воситалари тўртинчи ҳокимиятдир (Бу дунёдаги ривожланган мамлакатларда). 2002 йил 4 апрелда Олий Мажлис 8- сессиясида “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасида Конституциявий қонуни қабул қилинди.

Давлатнинг асосий белгилари- бу давлатни мустақил давлат сифатида эътироф этиш учун сабаб буладиган тушунчалардир. Мустақил давлат булиш учун ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди, конституцияси, аҳолиси (халқи), давлат рамзлари, фуқаролиги, армияси, олий ҳокимият органлари, пул бирлиги булиши зарур. Демак, давлатнинг асосий рамз белгилари қуйидагилардан иборат.

1. Ўзига хос оммавий ҳокимиятнинг- давлат (ижтимоий) ҳокимиятнинг таъсис этилганлиги, яъни ҳокимият ва бошқарув аппаратининг, мажбурлаш аппаратининг борлиги.

2. Аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги¹. Бу фуқароларнинг давлат чегаралари доирасида, муайян маъмурий - ҳудудий бирликларда яшашини билдиради, ёки бошқача айтганда, фуқароларнинг ҳудудий жиҳатдан бўлинганлиги.

3. Суверенитетлиги (фран. олийлиги), яъни ички ва ташқи сиёсат юритишда мустақил бўлиш.

4. Ҳуқуқий ижодкорлиги, яъни давлат ҳудудида яшовчи барча кишилар риоя этадиган қонунларни чиқаришга қодирлиги.

5. Давлат аппаратининг сақланиши ва таъминланиши ҳамда аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам бериш учун солиқлар солиниши.

6. Умуминсоний функцияларни (вазифаларни) бажариш, яъни ҳудудни қўриқлаш, жиноятчиликка қарши кураш, умумий фаровонлик мақсадларини амалга ошириш учун давлат органларига: мудофаа тизими, ички ишлар вазирлиги, ички ишлар хизмати, прокуратура, фавқулотда вазиятлар вазирлиги, миллий хавфсизлик хизмати, божхона хизмати ва х.к.

7. Конституция, давлат рамзлари ва фуқаролик мақомининг мавжудлиги.

Давлат шакли деганда, давлат тузилиши ва бошқарув усулини белгилайдиган ташқи хусусиятлар тушунилади. Давлат олий органларини ташкил этиш, давлат ҳокимиятининг ҳудудий тузилиши ва уни амалга ошириш усуларидир. Давлат шакли 3 элементдан ташкил топади. Булар қуйидагилардан иборат.

I. Давлатнинг бошқарув шакли

¹ Саидов А., Таджихонов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т.:УзРИИВ Академияси, 1999, 10-11-бетлар.

II. Давлатнинг тузилиш шакли

III. Сиёсий режим.

Энди буларни алоҳида кўриб чиқамиз.

1. **Давлатнинг бошқарув шакли**- Олий давлат ҳокимияти, унинг идоралари, аҳоли билан ўзаро муносабати, аҳолининг ушбу идораларни шакллантиришда иштирок этиш даражаси тушунилади. Дунёдаги барча мамлакатлар бошқарув шаклига қараб давлатни иккига ажратадилар: **монархия ва республика**.

1. **Монархия шакли** (юнон, яққа ҳокимлик)- олий ҳокимият яққа ҳоким давлат бошлиғининг қўлида бўлган ва бу ҳокимият мерос қилиб бериладиган давлат бошқарув шакли. Бунда давлат бошлиғи наслдан-наслга ўтади ва монарх умрбод давлат бошлиғи бўлади.

Монархия давлат бошқарувининг 4 тури мавжуд: 1) Мутлоқ монархия; 2) Конституцион монархия; 3) Парламентар монархия; 4) Чекланган монархия.

1) **Мутлоқ (абсолют) монархия** – бунда монархнинг ваколати чекланмаган, у ягона ҳукмдор бўлади. Давлат ҳокимиятини бошқа биронта идора билан чекланмаган монарх (қирол, подшо, император) амалга оширса (масалан, Саудия Арабистонида) бундай монархия мутлоқ монархия дейилади. Мутлоқ монархия ҳозирги кунда 8 та мамлакатда сақланган, улар қаторига Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлар, Қувайт ва бошқалар қиради.

2) **Конституцион монархия**- (ёки буни чекланган-парламент ҳам дейилади) шакли ҳам мавжуд. Агар монархнинг ҳокимияти Конституция асосида амал қиладиган бирон-бир ваколатли идора билан чекланган бўлса, бундай монархия чекланган, конституциявий, парламент шаклида бўлади. Бунда

мамлакатда қонунчиликни парламент, ижро ҳокимиятини ҳукумат олиб боради. Масалан, Япония ва бошқа мамлакатлар киради. Монархлар турли мамлакатларда турли номлар билан аталади. Масалан, Японияда- император, Англияда, Испанияда- кирол, Малайзияда- султон, Кувайтда- амир, Люксембургда – буюк герцог.

3) **Парламентар монархия-** мамлакатлари (ҳозирги Англия, Белгия, Норвегия, Швеция)да кирол шохлик вазифасини ўртасада, мамлакатни тўла маънода бошқаролмайди. Ҳукумат парламент томонидан сайловларда кўп овоз олган муайян партиялар вакилларида иборат қилиб шакллантирилади.

4) **Чекланган монархия-** турли тарихий даврда кўринишга эга бўлади. Ҳозирги замон олимлари чекланган монархияни (феодал даврида) табақавий- вакиллик ҳамда конституциявий монархияга бўлинади. Конституцион монархия ўз навбатида дуалистик ва парламент кўринишларига эга¹.

2. Республика шакли – (юнон. «умумий иш») ҳокимиятнинг олий идоралари муайян муддатга сайланадиган давлат бошқарув шаклидир. Бунда давлат органлари сайланади (масалан, парламент). Республикада фукаролар сиёсий ва шахсий ҳуқуққа эга бўладилар. Ҳозирги вақтда дунёдаги барча давлатлардан 140 таси республика шаклида бошқарилади.

Давлат бошқарувининг республика шакли қуйидаги турларга бўлинади:

1) **Президентлик республика-** бунда давлатни халқ томонидан сайланадиган, жуда кенг ваколатларга бўлган Президент бошқаради. У давлатнинг ҳам, ҳукуматнинг ҳам

¹ Исломов З. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар (давлат назарияси). Т.: «Адолат», 2000, 150-151-бетлар.

бошлиғидир. Масалан, АҚШ, Мексика, Ўзбекистон ва ҳ.к. Ўзбекистон давлат тузуми Республика. Давлат ва ҳукумат бошлиғи- Президент.

2) **Парламентлар республика**- бунда давлат бошлиғи сайланувчи мансабдор шахс жуда кичик ваколатларга эга. Унинг ҳукуматни тузиш ва мамлакатни бошқаришда тутган ўрни номигагина аҳамиятга эга. У ҳукуматни бошқармайди, ҳукуматни бош вазир бошқаради. Аммо ҳукумат уни тарқатиб юбориши мумкин бўлган парламент олдида жавобгардир. Парламентар республикага Италия, Германия, Венгрия, Австрия кабилар мисол бўла олади. Бу мамлакатларда, яъни парламентар республикада парламент тўлиқ ҳокимиятга эга бўлиб, унинг олдида ҳукумат сиёсий жавобгар ҳисобланади. Парламент президентни сайлайди. Бунда президент фақат давлат бошлиғи бўлиб, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланмайди.

Парламент- бу жамият ҳаётини ойнадай акс эттирадиган кўзгу «Бинобарин жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда уз ифодасини топиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонади»¹.

3) **Аралаш типдаги республика** (ярим президентлик)- бунда президентлик республикаси билан парламентар республика хусусиятлари қўшилиб кетади. Яъни Президент умумхалқ сайловларида сайланиб, юридик ва реал ваколатларга эга бўлади. Бироқ ҳукумат парламент томонидан ташкил этилади ва нафақат Президент олдида, балки парламент олдида ҳам сиёсий жавобгарлик бўлади. Бунда Президент ҳукуматга

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005, 26-бет.

умумий рахбарлик қилади, лекин уни бош вазир бошқаради. Президент маълум ҳолатлар юз берганда парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Масалан, Францияда Президентни халқ сайлайди, у жуда катта ваколатларга эга, аммо у ҳукуматни бошқармайди.

4) **Суперпрезидентлик республикаси**¹.

5) **Социолиятик республика.**

II. Давлатнинг тузилиш шакли. Бу давлатнинг тузилишини булдирувчи хусусият бўлиб, давлатлар 1) федератив (мураккаб) ёки 2) унитар (оддий) ҳамда 3) конфедератив турларга бўлинади.

1. **Федератив давлат** (фран. Бирлашма, иттифок) – маълум сиёсий мустақилликка эга давлатларнинг бирлашиши натижасида вужудга келади. Федератив давлат миллий ёки ҳудудий тамойиллар асосида тузилиши мумкин. Федерациянинг субъектлари: республика, вилоят, ўлка (Россия), штат (АҚШ ва Ҳиндистонда), ерлар (Германияда) деб аталади. Федератив давлатларда бир неча Конституция, бир неча фукаролик бўлади. Унитар давлатдан фарқли ўлароқ федератция ҳокимият олий органларининг 2 тизимига эга: 1) федерал органлар; 2) федерация аъзоларининг тегишли органлари. Федерация аъзоларининг тегишли органлари, федерал органлар ўз ваколатлари ва функцияларини бутун мамлакат ҳудудида амалга оширадилар. Федерацияни ташкил этувчи тузилмалар том маъодаги давлатлар эмас.

Федерация ҳудудий ва миллий турларга бўлинади.

1) Ҳудудий федерация

2) Миллий федерация

¹ Исломов З. Хусанов О. Миръамидов М. Ҳуқуқшунослик. Маърузалар матни. Т.: «УзАЖБНТ», 2000, 29-бет.

Жаҳонда 20 дан кўпроқ федерациялар бор. Хусусан АҚШ, Германия, Бразилия, Россия, Ҳиндистон (бир вақтлар собик СССР, Чехославакия, Югославия) каби.

2. **Унитар давлат** (фран. ва лот бирлик)- давлат ёки миллий давлат тузилишининг оддий кўриниши бўлиб, у давлат тузилиши шаклларида бири ҳисобланади. Бунда давлат ҳукуки маъмурий –ҳудудий бирликларга (вилоят, округ, туман, департамент ва х.к.) бўлинади. Унитар давлатда, федератциядан фарқли равишда, ҳудуд, битта конституция, фуқаролик, олий давлат ҳокимияти ягона, олий вакиллик органи, битта ҳукумат мавжуд бўлади. Бу эса мамлакатнинг бутун ҳудудида марказий ҳокимиятнинг таъсирини кучайтириш учун ташкилий-ҳудудий шароитлар яратади. Айрим ҳолларда унитар давлатга мухтор давлат ташкилоти мақомига эга бўлган бир ёки бир неча бирликлар кириши мумкин. Масалан, мухтор вилоят, мухтор республика. Ўзбекистон таркибида давлат тузилишига хос белгилари мавжуд бўлган Қорақалпоғистон Республикаси мавжуд.

Умуман, унитар давлат ягона конституцияга, ягона олий қонунчилик ва олий идора органига эга марказлаган давлатдир. Унитар давлатларга Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Франция, Италия каби мамлакатлар киради. Унитар давлатда битта парламент, битта ҳукумат, битта президент булади, давлат одатда бир миллатли булади.

3. **Конфедератив давлат** (лот.иттифок, бирлашма)- давлатлар иттифокининг муайян мураккаб шакли булиб, унда иттифокка қирувчи давлатлар уз суверенитетларини тула сақлаб қоладилар. Конфедерация ҳам халқаро ҳукукий ташкилот, ҳам давлат ташкилоти хусусиятларига эга. Ҳозирги кунда дунёда

биттагина конфедерация- Европа Иттифоки мавжуд. Турли давлатларда куйидагилар конфедерация шаклида булган: Австрия-Венгрия (1918 йилгача), Швеция ва Норвегия (1905 йилгача), АКШ (1781-1787 йй), Швейцария (1815-1989 йй). Тарихий тажрибанинг курсатишича, конфедерация утиш давриинг ёки иттифокнинг тула барбод булиши ёхуд федератив (иттифок) давлатга айланишининг шаклидир. Конфедерацияда ягона пул тизими урнатилмайди, иттифок фукаролиги булмади ва х.к.

Функция- (лот) бирор кимса ёки нарсанинг иш, фаолият доираси, вазифаси.

Вазифа- бу амалга оширилиши, хал килиниши лозим булган масала, эришилиши лозим булган, кузда тугилган максад ёки топширик, хизмат, юмуш, хизмат лавозими, мансаб, амал.

Функция тушунчаси «вазифа» тушунчасига нисбатан тор маънога эга.

Функция факат уз фаолият доирасидаги вазифаларни уз ичига олади, вазифа эса уз фаолият доирасидан ташкарида хам булиши мумкин.

Давлатнинг вазифалари: мамлакатнинг нормал ривожланишини таъминлаш хисобланади. Бу фукарларнинг хукук, эркинликлари ва хавфсизлигини таъминлаш, иктисодни ташкил килиш натижасида фаровон хаёт яратиш демакдир. Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш хам давлатнинг вазифасидир. Давлат уз вазифасини бажариш жараёнида чет мамлакатлар билан алокалар урнатади ва уз фукарлари манфаатини чет мамлакатларда хам химоя килади. Иш билан бирга давлат хокимияти мамлакатда ижтимоий тартибни саклайди, фукарларнинг тотувлигини, давлатнинг бир

бутунлигини таъминлаб, уни ички ва ташқаридан буладиган хужумлардан химоя қилади, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустақамлайди ва бошқа вазифаларни бажаради.

Давлат хокимияти вазифалари ички ва ташқи функцияларга булинади:

1) Давлатнинг **ички функциялари** давлат ички ҳаётини бошқаришга қаратилган фаолиятнинг асосий йўналишларидир. Ички функцияга қуйидагилар қиради:

А) Регулятив (тартибга солиш, бошқариш)- мамлакатда ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш.

Б) Қуриқлаш (сақлаш, муҳофаза қилиш)- қарама-қарши қучлар қаршилигини бостириш, ички ҳавфни бартараф этиш

В) Ижтимоий химоя, буйруқбозликнинг олдини олиш, ҳуқуқ тарғиботини таъминлаш ёки фуқаролар тотувлигини сақлаш.

Г) Маънавий - мафкуравий фаолиятни, сиёсий онгни шакллантириш.

2. **Ташқи функциялар** - давлатнинг халқаро майдондаги фаолиятининг асосий йўналишларидир. Бу ўз навбатида:

А) тинчлик учун қураш

Б) мудофа ва ҳавфсизлик мамлакатни ташқаридан бўладиган хужумлардан мудофа қилиш.

В) халқаро ҳамқорлик: халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш. Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш;

Г) Бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли нормал муносабатларни бошқариб бориш;

Д) умумбашарий муаммоларни ҳал этишда халқаро меҳнат тақсимоотида иштирок этиш ва х.к.

Сиёсий тизим ва сиёсий демократик жамият сиёсий ҳаётида ўзаро боғлиқ бўлган сиёсий ҳодисалардир. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Сиёсий тизим демократияга қанчалик таъсир этса, демократия ҳам сиёсий тизимнинг ривожланишига шунчалик кучли таъсир қилади.

Демократиянинг сиёсий тизим билан боғлиқлиги, аввало сиёсий тизим субъекларининг жамият ҳатига қиладиган таъсири, унинг халқ оммаси манфаатларига хизмат қилиши билан белгиланади. Сиёсий тизимнинг демократлашиш жараёнидаги урни давлат ҳокимияти томонидан кенг халқ оммаси манфаатларининг ҳимоя қилиниши ва улар учун сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда маънавий эркинликларнинг қонун йули билан мустаҳкамлаб қўйилиши мисолида яққол намоён бўлади. Аммо давлат ҳамма вақт ҳам демократияни тула амалга ошира олмайди. Давлат қачонки халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қилувчи куч сифатида ҳаракат қилсагина, у жамият ҳаётини демократиялашнинг асосий қуроли бўлиб хизмат қилади.

Давлат –жамият сиёсий тизимининг одамлар, гуруҳлар, синф, ташкилот, ҳамкорликдаги, фаолиятини ва ўзаро муносабатини ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий институтдир.

Давлат ҳокимияти қонунийдир, яъни давлатнинг, унинг органларининг ваколатлари қонун билан белгилаб қўйилади. Давлат ҳокимияти ҳаётининг ҳамма соҳаларига таъсир қилиб турувчи, ижтимоий жараёнларни тартибга солувчи етакчи сиёсий куч ҳисобланади. Сиёсий ҳокимиятнинг бошқа бирон-бир шакли давлат ҳокимияти сингари кенг имкониятга эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти кенг халқ оммасининг иродасини ифода қилувчи халқ ҳокимият ҳисобланади ва халқ манфаатларига хизмат қилади.

Давлат бошқарув шакли- ҳокимиятни ташкил қилиш олий органларининг ваколатлари, улар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ бўлади. Давлатнинг бошқарув шаклини аниқлашда энг муҳим белги- давлат бошлиғининг ҳуқуқий мақоми қандайлиги, у давлат бошига қандай йўл билан келиши ҳисобланади.

Бошқаришнинг асосий функциялари:

- 1) Режалаштириш
- 2) Ташкил қилиш
- 3) Мувофиқлаштириш ва тартибга солиш
- 4) Назорат

1.2. СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.

Сиёсий ҳокимият жамият ҳаётидаги мураккаб сиёсий ходисалардан бири. Уни амалга ошириш механизмлари, фаолият кўрсатиш даражси ниҳоятда ранг-баранг бўлиши билан бирга, унда ҳокимиятнинг бошқа турлари ҳам ўз ифодасини топади, уларнинг ҳар бири ўзининг аниқ мақсад ва вазифаларига эга.

Ҳокимият тушунчаси оддий тилда ва илмий тилда ва илмий адабиётларда жуда кўп қўлланилади. Масалан, «оила ҳокимияти», «ота-она ҳокимияти», «давлат ҳокимияти» ва х.к. Илмий манбаларда политологлар –сиёсий ҳокимият тугрисида, иқтисодчилар хужалик ҳокимияти хақида, социологлар- социал ҳокимият, юристлар –давлат ҳокимияти, диндорлар- илохий ҳокимият тугрисида суз юритиб, улар ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил соҳаларини ўрганишда ҳокимият тушунчасидан фойдаланадилар. Демак, ҳокимият тушунчаси кенг ва хилма-хилдир. Ҳокимиятга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

«Ҳокимият- бу кишилар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда синфларнинг фаолиятига, ҳаракатларига иқтисодий, сиёсий гоъвий, ижтимоий механизмлар, шунингдек, куч ишлатиш, зўрлик қилиш, ишонтириш қобилиятлари билан таъсир этувчи фаолиятнинг алоҳида шаклидир».

Ҳокимиятнинг моҳиятини раҳбарлик, ҳуқумронлик ва бўйсундириш муносабатлари ташкил этади. Ҳокимиятнинг алоҳида тури, бу сиёсий ҳокимиятдир ва унга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

«Сиёсий ҳокимият- бу сиёсий субъектларнинг сиёсатда ифодаланган иродасини турли йуллар, усуллар ва воситалар ёрдамида амалга ошириш фаолиятининг ўзига хос алоҳида

шаклидир»¹. Шунингдек «сиёсий ҳокимият» куйидаги ҳолатлар билан ҳам белгиланади.

-Ҳокимият – бу жамиятга хос бўлган кишилар ўртасидаги иродага асосланган муносабатлардир.

-Ҳокимият- бу кишилар ўртасидаги сиёсий ҳукумронликдир.

-Ҳокимият- бу давлат ташкилоти тизимидир.

-Ҳокимият- бу маъмурий ваколатларга эга бўлган муассаса ва идоралар АҚШ да 3 даражадаги ҳокимият мавжуд:

1. Маҳаллий ҳокимият
2. Штат ҳокимият
3. Федерал (умумдавлат) ҳокимияти.

Сиёсий ҳокимият мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у давлат ҳокимияти ва бошқа сиёсий ташкилотлардан таркиб топади. Бу ҳақда кейинги мавзудларда кенгроқ фикр юритамиз. Аввало ҳокимият тушунчаси, унинг тузилиши, кўринишлари, ҳокимиятнинг легитимлиги ва турлари ҳақида фикр билдирмок мавжуд.

Ҳокимият тушунчасига оид энг муҳим ёндошувлар куйидагилардан иборат.

1. Ҳокимиятнинг кенг тарқалган таърифларидан бири- **позитив-социологик талқинлар** (немис социологи М.Вебер). Бу талқинда ҳокимият бирор индивиднинг муайян ижтимоий шароитда бошқа индивидга ўз иродасини ўтказиш қобилияти сифатида тушунилади. Ҳокимият муносабатларининг асосини ўзаро таъсир доирасига киритиш муносабатлари ташкил этади. Бундай муносабатлар ҳокимият субъект ива объекти ўртасида қарор топади.

¹ Рамазонов И., Муминов Э. Политология. Т.: «Адолат», 1997, 92-93 бетлар.

2. **Ҳокимиятнинг телеологик талқини** (Б.Рассел). Бунда ҳокимият кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришдан иборат. Бу атроф-муҳит, табиат билан қамраб олинади.

3. **Бихевиористик** (ингл.инсон онгини эмас, балки хулқини ўрганиш) талқини (XX асрда Америкалик олим психолог Г. Лассуэл таклиф этган). Ҳокимиятни тушунишни реал шахсларнинг ўзаро ҳаракатидан иборатлиги ётади. Инсоннинг ҳокимият орқали бойлик, обрў орттиришдир, ҳокимият-бу уни эгаллаш билан ҳузурланишга имкон берадиган мақсад ҳамдир, дейилади.

4. **Ҳокимиятнинг психологик талқини** (З.Фрейд, К.Густав Юнг, К. Хорни). Бунда ҳокимиятни реал индивидларнинг ҳулқ – атвори сифатида бихевиористик тушунишдан келиб чиқади. Ҳокимият идораларининг «Ихтиёрий кўшилишга» тайёргарлиги сифатида вужудга келади.

5. **Ҳокимиятнинг тизимли талқини.** Бу талқин ҳокимиятнинг бихевиористик ва психологик таърифларидан фарқ қилади. Бунда ҳокимиятнинг индивидуал муносабатлардан эмас, балки социал тизимдан ҳосил бўлишини баён этади.

6. **Ҳокимиятнинг тузилмавий-** функционал талқини (америкалик социолог Т. Порсонс). Бу талқин ҳокимиятни кенг бўлмаган субъектларнинг муносабати, социал ташкилотнинг хусусияти сифатида, инсонлар бирлигининг ўзини-ўзи ташкил этиш, уюштириш, сафарбар қилиш усулublари сифатида олиб қарайди. Ҳокимият- бу ресурсларни, таъсир кўрсатиш воситаларини сафарбар қилишга имкон берувчи социал макондир, ролларнинг хусусиятидан иборатдир. Бошқача

айтганда, ҳокимият - раҳбарлик лавозимларини эгаллаш ва муайян функцияларни бажариш билан боғлиқ фаолиятдир¹.

7. Реяцион (франц. муносабат) таърифи. Бу таъриф ҳокимиятни икки шерик ўртасидаги муносабат сифатида олиб қарайди. Бунда улардан бири иккинчисига белгиловчи таъсир кўрсатади. Бу ҳолда ҳокимият унинг субъекти ва объектининг ўзаро ҳаракати сифатида намоён бўлади, субъект муайян воситалар ёрдамида объектни назорат қилади.

Ҳокимият тузилиши ва кўринишлари. Ҳокимият- яхлит ва бир бутун ижтимоий ҳодисадир. Бу эса унинг таркибий қисмлардан ташкил топганлигини инкор этмайди. Ҳокимият – бир қатор тузилмалардан иборат бўлган ижтимоий ҳодисадир. Унинг таркибига субъект, объект ва ресурслар киради. Ҳокимиятнинг асосий таркибий қисмларидан бири – субъектдир. У ҳокимиятнинг бевосита тушунчасидир.

Субъект - ҳокимиятнинг фаол, йўналтирувчи қисмидир. У алоҳида инсон, ижтимоий гуруҳ, кишилар бирлиги, масалан, халқ ёки дунё ҳамжамияти, давлат институтлари, сиёсий партиялар бўлиши мумкин. Бироқ ҳар қандай инсон ҳокимиятнинг субъекти бўлавермайди. Ҳокимиятнинг субъектлари хилма-хил. Унинг бошланғич омиллари индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар, иккинчилари – сиёсий ташкилотлар, энг юқори даражадагиси субъектлари – сиёсий элиталар, етакчилардир. Ҳокимият субъекти билан ўзаро муносабатларда биринчи даражали роль ўйнайди.

Объект – ҳокимиятнинг иккинчи муҳим элементи дир. У ҳокимият субъекти қарорларининг бевосита бажарувчисидир. Объект ҳам худди субъект синграи ҳокимиятнинг ажралмас

¹ Политология. Укув кулланма. Тошкент: А.Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти. «УАЖБНТ», 2002, 96-109-бетлар.

таркибий қисмидир. Бу элементсиз ҳокимиятни тасаввур этиб бўлмайди. Ҳокимиятнинг объектини қуйидагилар ташкил этади: ижтимоий гуруҳ, синф, жамият. Ҳокимият объектининг сифати, фаоллиги жамиятнинг сиёсий маданияти билан белгиланади.

Ресурслар - ҳокимиятнинг асосини ресурслар ташкил этади. Ресурслар кишиларни рағбатлантириш, жазолаш ёки ишонтиришда қўлланилиши мумкин. Ҳокимият ресурслари хилма-хил. Илмий адабиётларда бир неча турларга бўлинади: утилитар, мажбурловчи ва меъёрий ресурслар.

1. **Утилитар ресурслар** - бу кишиларнинг кундалик эҳтиёжларини ва талабларини қондириш билан боғлиқ бўлган моддий ва бошқа ижтимоий воситалардир. Бу воситалардан кишиларни рағбатлантириш учун ҳам, жазолаш учун ҳам фойдаланилади.

2. **Мажбурловчи ресурслар** - бу маъмурий жазолаш билан боғлиқ бўлган воситалардир. Утилитар ресурслар иш бермай қолса, ундан фойдаланилади. Бунга иқтисодий санкциялардан хайикмайдиганларга суд орқали таъсир қилишни кўрсатиш мумкин.

3. **Меъёрий ресурсларга** - инсоннинг ички дунёси, кадриятлар ва ҳуқ- атворига таъсир кўрсатувчи воситалар киради.

Ҳокимиятнинг ресурсларини инсон ва жамият фаолиятининг муҳим соҳалари: сиёсий- ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-ахборот, куч ишлатувчи соҳаларга биноан туркулаштириш ҳам кенг тарқалган.

4. **Сиёсий-ҳуқуқий ресурслар**- бу ижтимоий тартибни, ҳавфсизликни, барқарорликни, фуқаролар тинчлигини, жамиятнинг яхлитлиги ва бутунлигини таъминловчи

воситалардир. Бу воситаларга дастурий хужжатлар, конституция, қонунлар ва уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар киради.

5. Иқтисодий ресурслар - бунга ижтимоий ва хусусий ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилиш учун зарур бўлган моддий бойликлар, пуллар, техника, унумдор ерлар, ерости казилма бойликлари ва ҳоказолар киради.

6. Социал ресурслар - социал стратификациядаги ижтимоий мақом ёки ранг, ўриннинг амалга оширилиши ёки пасайиш қобилиятидир.

7. Маданий - ахборот ресурслари - билим ва ахборот ҳамда уларни олиш ва тарқатиш воситалари: фан ва таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалардир.

8. Куч ишлатувчи ресурслар - бу қурол-яроқ, жисмоний мажбурловчи муассасалар ва бунинг учун махсус тайёрланган кишилардир. Улар ўзагини армия, полиция, хавфсизлик хизмати ташкил этади.

9. Демографик ресурслар - ҳокимиятнинг махсус ресурсларидир. Бу бошқа ресурсларни ишлаб чиқарувчи универсал, кўп функцияли ресурслар. Инсон – моддий бойликларнинг яратувчиси, аскар ва партия аъзоси, билим ва ахборотнинг эгаси ва тарқатувчисидир.

II Боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.

II.1. Ўзбекистонда конституциявий ислохотлар ва давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.

Жамият ва давлат ҳаётида амалга ошириладиган сиёсий ислохотлар ва демократик ўзгаришларни тадқиқ қиладиган машҳур олимлар ҳар қандай жамиятда ислохотлар амалга оширилишининг самарадорлиги, аввало, мазкур давлатда тинчлик ва барқарорликнинг таъминланишига боғлиқ, деган ғояни илгари сурадилар¹. Ҳақиқатда ҳам жамиятнинг ривожланишини ва унда ислохотларнинг тўғри амалга ошиши биринчи гада тинчлик ва барқарорликка, ундан кейин эса ислохотларнинг изчиллик билан амалга оширилишига боғлиқ бўлади.

Мустақилликка эришганимизнинг илк кунлариданок давлатимиз раҳбарияти томонидан кенг кўламли ислохотларда ўзгаришлар жараёнига нисбатан бўладиган ҳар қандай ихтилофларни самарали тарзда бартараф этишга қодир бўлган кучли давлат тузилмаларини яратишга ва уларнинг ваколат соҳаларини аниқлаб олишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек: “Айни замонда, агар кучли ижрочилик ҳокимияти бўлмас экан, энг одил ва энг оқил қонунлар ва қарорлар ҳам бажарилмай, шунчаки қоғозда қолиб кетиши мумкин. Бу ҳол қонунларни жорий этишга, фуқаролик ҳуқуқларини ва эркинликларини муҳофаза қилишга, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни

¹ Бектош Бердиев- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси аспиранти.

ўтказишга қодир президентлик ҳокимиятини кучайтиришни тақозо этади”¹.

Ушбу ислохотларнинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлди:

Биринчидан, собиқ иттифоқнинг ташкилий жиҳатдан заифлашиб қолганлиги ва ундан оғир бошқарув аппаратларининг мерос қолганлиги натижасида мамлакатда юзага келиши мумкин бўлган бошбошдиқликларга, ўзларини демократлар дея атайдиган гуруҳларнинг тартибсизликларни бошлаб юбориши ва бошқа бир қатор нохушликларга йўл қўймаслик;

Келтириб ўтилганидек, собиқ иттифоқнинг тарқалиб кетиши ва мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши билан боғлиқ жараёнлар ўзининг ниҳоятда шиддатлилиги билан ажралиб турадиган давр ҳисобланади. Дастлабки фикрни изоҳлаш учун таъкидлашимиз лозимки, иттифоқдан мерос қолган заиф бошқарув аппарати мамлакатимизда ислохотларни амалга ошириш учун умуман имконият бермас эди. Кенг “демократик” бошбошдиқликларнинг қандай оқибатларга олиб келишини ўз вақтида англаб етган мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ҳокимиятлар функцияларини аниқлаб олишга ва бунинг учун энг асосий омил бўлган қонуний – ҳуқуқий базани шакллантиришга асосий эътибор қаратила бошланди. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида биз иккита асосий фазифани ҳал қиляпмиз. Биринчиси-давлатни барпо этиш, мустақил республикани вужудга келтириш, унинг пойдеворини қуриш; иккинчиси-бозор иқтисодиётига ўтиш. Бунинг учун эса энг муҳим- тинчлик, барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ва миллий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.: Ўзбекистон, 1996.-15 бет.

тотовлик зарур. Башарти шу мувозанат бузилса, мустақил давлатни барпо этиш хомхаёлдир. Бинобарин, бу мураккаб вазифаларни ҳал қилиш учун кучли ижро ҳокимияти зарурлиги мамлакатимиз тараққиёти учун асосий йўналиш бўлиши Президентимиз томонидан аниқ белгилаб берилган¹.

Иккинчидан, айнан ушбу даврга келиб, миллий муносабатларнинг кескинлашганлиги, диний экстремизмнинг ёйилиб бораётганлиги, мамлакатда қўши мамлакатлардагидек фуқаролар уруши бошланиб кетиши хавфи, уюшган жиноятчиликнинг авж олиб кетиши эҳтимоли кабилар туфайли жамият барқарорлиги йўлида кескин чоралар кўра оладиган кучларга бўлган талабнинг мавжудлиги.

Мамлакатимизда қонунчилик базаси яратилиши, яъни Конституциянинг қабул қилиниши биринчи галда миллий муносабатларнинг тартибга солинишига, диний ташкилотларнинг мақоми ва ўрни аниқ белгилаб қўйилишига мустаҳкам асос бўлди дейиш мумкин. Лекин, бу ҳали камлик қиларди. Чунки қўшни мамлакатлардаги нотинч вазият мамлакатимизга нисбатан ҳам янгидан-янги хавф-хатарларнинг кириб келишига замин бўлиши билан бирга, уюшган жиноятчилик оқимларининг тарқалиши хавфи мавжуд эди. Миллий менталитетни ҳисобга олган ҳолда, бу муаммоларга қарши курашда ҳам ниҳоятда кучли ва самарали (зарур пайтда оператив ишлаш қобилиятига эга) фаолият юрита оладиган ижро ҳокимияти ва кучли тузилмалар яратилиши талаб қилинар эди. Президентимиз қайд этганидек, "...тарихнинг муайян даврларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳар ҳолда

¹ Ўша манба. 158-бет.

кучли ижроия ҳокимияти зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, тинчлиги ва барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур”¹.

Учинчидан, иқтисодий, маданий, маънавий ўзгаришлар жараёнида ислохотлар амалга ошишида уларни тартибга соладиган ва самарали ишлай оладиган бошқарувнинг зарурлиги.

Мамлакатимизда сиёсий ислохотлар амалга оширилишининг яна бир ўзига хос жиҳати шунда эдики, раҳбарият томонидан тараққиёт стратегияси белгилаб олинishi жараёнида илгари тизимни бутунлай барбод қилиш йўлидан эмас, балки мавжуд сиёсий тизимни ва институтларни маъмурий- буйруқбозлик тизимидан воз кечган ҳолда аста-секин ислох қилиш йўлидан борила бошлади. Иқтисодий ислохотлар жараёнида давлат мулкининг талон-торож бўлиб кетишининг олдини олиш, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик илатларининг ҳам самарали бартараф этиши мамлакатда ижро ҳокимиятининг кучли бўлишига яна бир эҳтиёж эди. Маънавий янгиланишларда халқнинг, миллатнинг ўзига хос руҳиятини, минталитетини ҳисобга олган ислохотлардаги изчиллик жараёни жамиятимизда турли карашларининг юзага келишига ва уларнинг минтақамиз ва давлатимиз барқарорлигидан манфаатдор кучлар билан тил бириктирган, шунингдек, улар томонидан молиявий таъминланган ҳолда бузғунчилик ишларига қўл уруши ва маънавиятимизга кенг таҳдид солиши мамлакатда давлатчиликнинг мустахкамланишини талаб қиларди. Бу омил

¹ Ўша манба 146-бет.

хам мавзунинг мантикий ғояси бўлган ижро органлари фаолиятини такомиллаштириш кераклигини аниқларди.

Тўртинчидан, геосийсий жиҳатдан мамлакатга турли таҳдидларнинг мавжуд бўлиши ва ушбу шароитда мустақилликни мустаҳкамлай оладиган, алоҳида ваколатларга эга бўлган тузилмаларни ташкил қилиш зарур эди. Чунки мустақиллигини, суверенитетини ўз қуроли кучлари ёрдамида таъминлай оладиган, жамиятдаги барқарорликни ва давлатчилик учун хавфсизликни кафолатлай оладиган давлатгина қудратли давлат бўлишга асосий даъвогарлардан ҳисобланади. “Ҳаммамиз ҳаёт тажрибасидан яхши биламизки, жамият ва тузим ўзини ўзи ҳимоя эта олмас экан, ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам яхши натижага эришиб бўлмайди , деган эди мамлакатимиз Президенти XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида сўзлаган нутқида”¹.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, мустақил тараққиётимиз даврида дуч келинган мураккабликлар, тинчлик ва барқарорлик йўлида олиб борилган пухта сиёсат, дунёнинг қудратли давлатлари “ноғораси”га ўйнамасдан ўз сўзига, позициясига ва энг асосийси, ўз ғурурига эгша бўлиш йўлидаги қатъиятимиз кимларгадир ёқмаганлиги табиий. Бу ҳам бутунги замон дунё сиёсатида ўзига хослик ҳисобланади. Шунинг учун мамлакатимиздаги кенг ўзгаришларни тоталитар характердаги сиёсат сифатида баҳолаш, давлат бошлиғини диктаторликда айблаш, жамиятимизни нодемократик ҳуусиятларга эга бўлган жамият дея жаҳон оммасига жар солишга бўлган уринишлар ниҳоятда кўп бўлган ва бу жараёнлар давом этмоқда. Бундай

¹ Ўша манба. 7-бет.

кучларнинг асосий муддаоси мамлакатимиздаги ислохотларда ўзига хос омилар мавжудлигини ҳисобга олмаслик ва Ўзбекистондаги кенг қўламли ўзгаришларга имкон қадар ҳалақит бериш, уни ўз манфаатларига бўйсунадиган давлатга айлантиришдир.

Ҳеч биримизга сир эмаски, мамлакатимиз ўз мустақил тараққиётини янада мустаҳкамлаб, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан олға бормоқда. Бугунги замон таҳдиларига жавоб бера оладиган қудратли давлат тузумимиз бор ва энг асосийси миллий - маънавий кадриятларимизга, мамлакатимизда истиқомат қиладиган халқларнинг менталитетига таянадиган, дунёнинг ривожланган мамлакатлари тараққиёт йўлининг тажрибаларини ҳам ўзида чуқур ўзлаштирган тараққиёт йўлимиз бор ва ҳеч ким бизни бу йўлимиздан қайтара олмайди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, мамлакатда давлатни идора этишнинг замонавий ва самарали шакли-президентлик тизими қарор топа бошлади. Дунё давлатчилиги тараққётида давлат бошқарувининг асосан икки шакли – монархия ва республика шакллари мавжуд. Республика, ўз навбатида, парламентар республика ва президентлик республикаси кўринишларига эга. Президентлик республикаси ҳозирги кунда энг кўп тарқалган давлат бошқаруви шаклидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 192 давлатдан 142 тасида Президент¹ лавозимида мавжуд юўлиб, уларнинг аксарияти президкнтлик республикасидир².

¹ “Президент” сўзи лотинча (praesidentis) сўздан олинган бўлиб, “олдинда ўтирувчи” маъносини билдиради.

² Мустақиллик: изоҳли илмий- оммапоб луғат// Муаллифлар: М.Абдуллаев, М. Абдуллаева, Ф. Абдуллаева, Г. Аюдураззоқова ва бошқ; Р. Рўзиев ва Қ. Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи наشري/ -Т.: “Шарқ”, 2006.-75-бет.

Ўзбекистонда Президент лавозими 1990 йил 24 мартда Олий Кенгашнинг 1 сессиясида таъсис этилди. 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми¹, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилди. Ўзбекистондаги президентлик хокимиятини мустақамлашда 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун² ва унинг асосида ўтказилган умумхалқ сайлови катта аҳамият касб этди. Мустақиллик йилларида президентлик институти тўла шаклланди. Қуйида мазкур фикрни исботлашга уриниб кўрамиз.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги борасида ўтказилилган референдумда овоз беришда қатнашганларнинг 98,2 фоизи республика давлат мустақиллигини қўллаб-қувватлаб овоз берди ва Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги умумхалқ томонидан маъқулланди, деб топди³.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сайланди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган тўғридан-тўғри, умумий ва муқобил асосдаги сайловда президентликка номзод Ислоом Абдуғаниевич Каримов учун 8 миллион 514 минг 136 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи овоз берди. Марказий сайлов

¹ “Референдум” сўзи лотинча referendum сўзидан олинган бўлиб, “билдирилиши керак бўлган” деган маънони билдиради. Референдумда давлат ҳаётидаги бирон муҳим масала умумхалқ овозига қўйилади. Қаранг: Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Х., Холмедов Х, Содиков С.Т.: “Адолат”, 1999.-55-бет.

² Бу қонунга 1997 йил 26 декабрда, 1999 йил 19 августда, 2003 йил 24 апрелда ва 2007 йил 11 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

³ Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши / Қ.А.Аҳмедов умумий таҳрири остида /.- Т.: “Ўзбекистон”, 1992.-50-бет.

комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунинг 35 - моддасига асосан Ислон Абдуғаниевич Каримов 1991 йил 29 декабрдан Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблашга қарор қилди¹.

Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба жарий этилган Президент лавозими мустақил Ўзбекистон далаат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди. Мамлакатимиз сиёсий тизимида президентлик институтининг узил-кесил мустақамланишида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX боби “Ўзбекистон Республикасининг Президенти деб номланган. Мазкур боб ўз ичига 9 та модда (89-97 -моддалар)ни қамраб олган бўлиб, уларда президентликка номзод олдига ўйиладиган талаблар, Президентни сайлаш тартиби, Президент қасамёдининг матни, Президентнинг ваколатлари, Президент чиқарадиган норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар, Президентнинг парламентни тарқатиб юбориш ваколати ва шу қабилар борасида ҳуқуқий нормалар белгиланган.”

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 1 ноябрда “Ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш тўғрисида” Қонун қабул қилди. Унга кўра, министрлар Совети тугатилиб, Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тшқил этилди.

Вазирлар Маҳкамаси баъзи давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳуқуматнинг номидир. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳуқумати 1992 йилда қабул қилинган

¹ Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши/ Қ.А. Аҳмедовнинг умумий таҳрири остида/.-Т.: “Ўзбекистон”, 1992.-52-бет.

Конституцияга кўра Вазирлар Маҳкамаси деб аталади. Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақоми, ташкил этилиши ва фаолият тартиби ҳамда ваколат дораси Конституция ва Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги махсус қонун билан мустахкамлаб қўйилган. Ижроия ҳокимият давлат ҳокимиятининг уч асосий тармоқларидан биридир.

Вазирлар Маҳкамасининг асосий ҳуқуқий мақоми- унинг мустақил Ўзбекистон ҳукумати эканидadir. Унга, ўз ваколати доирасида, қонунларни ва Президент фармонларини ижро этиш масъулияти юкланган. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётининг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарув идоралари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви муассасаларига бошчилик қилади.

Маълумки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципни ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг родини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш ғоят долзарб чора- тадбирларни кўришга қаратилган эди.

Бу жараёнда ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари

фаолиятига бевосита аралашувини қисқартиришга катта эътибор берилди. Бошқача айтганда, уларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард натижада давлатнинг иқтисодий бошқаришдаги ролини жиддий камайтириш кўзда тутилган эди.

Бошқарув соҳасини марказлаштириш чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди.

Икки палатали миллий парламентимизни ташкил этиш масаласи бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум яқунлари ва шу асосда “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг тубдан ислоҳ қилишнинг асосларини белгилаб берди.

Бундан кўзланган асосий мақсадлар парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат эди. Бу борада таркиб жиҳатдан асосан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари вакилларида ташкил топган юқори палата- сенатнинг ҳудудлар манфаатларини ифода этиши, қуйи –қонунчилик палатаси эса ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга ошириши ҳисобга олинганини айтиб ўтиш лозим.

Таъкидлаш керакки, миллий парламентимизнинг ривожланишида янги парламент ва унинг ҳар бир палатасининг мақоми, ваколатлари ва фаолият механизмлари аниқ белгилаб берилган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”-ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунларнинг 2003 йилда қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норманинг чиқарилиши ушбу даврдаги муҳим сиёсий- ҳуқуқий воқеалардан бири бўлди. Бугунги кунда Конституциямизнинг 89- моддасида “Ўзбекистон Республикасининг президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди”деган қоида белгилаб қўйилган.

Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим кадам бўлди. Қабул қилинган қонунларга мувофиқ эндиликда Бош вазир нафақат вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик қилади ва унинг саамарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий- ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб

бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадвал ривожланиши, юртимизда кўп партиявийлик тизимининг тобора мустахкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.

II.2. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори давлат ҳокимияти ва бошқарувида ҳам мамлакатимизда тинчлик- хотиржамликни, сиёсий барқарорликни, ижтимоий тотувликни, иқтисодий тараққиётни. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди.

Бу ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11- моддасида мустаҳкамланган давлат ҳокимияти тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизими шакллантириш, марказда қонун чиқарувчи ҳокимият, жойларда вакиллик ҳокимияти органлари ваколатларини янада кенгайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора- тадбирлар амалга оширишга қаратилди.

2000-2010 йиллар оралиғидаги даврда икки палатали миллий парламент ташкил этилди. Илгари Ўзбекистон Республикаси президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозими тугатилди. Ўзбекистон Конституциясидан мамлакат президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи эканини белгилайдиган норма чиқарилди. Бугунги кунда Конституциямизнинг 89- моддасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган

холда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди”. Шу муносабат билан Президентнинг айрим ваколатлари Олий Мажлис Сенати ва Вазирлар Махкамасига олиб берилди. Вазирлар Махкамасининг фаолияти янада такомиллаштирилди. Конституциянинг 98- моддасига муовфиқ Вазирлар Махкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Давлат бошқарувини амалга оширишда сиёсий партияларнинг роли янада кенгайтирилди. Буларнинг барчаси ушбу даврдаги муҳим сиёсий –ҳуқуқий воқеалар бўлди ва Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши тахминан 3,5 марта аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 марта, аҳолининг реал даромадлари 3,8 марта ошди. Кейинги йилларда давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошиб, маълум миқдордаги профицит билан бажарилаётганлиги диққатга сазовордир.

Мамлакатимиз аҳолисининг ўртача умр кўриш даражаси 2010 йилга келиб 73 ёшга, аёлларнинг ўртача умр кўриши, 75 ёшга етганининг ўзи юртимизда инсон соғлиғини сақлашга унинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароитлар яратишга нечоғлик катта аҳамият берилаётганининг ёрқин исботидир.

2011 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси томонидан давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ” тўғрисидаги маърузасида баён

қилинган қонунчилик ташаббусларига мувофиқ тайёрланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78,80,93,96 ва 98-моддаларига) ” ги Ўзбекистон Республика Қонуни қабул қилинди ва Олий Мажлис сенати томонидан маъқулланди.

Ушбу маърузада қонуннинг қабул қилиниши зарурати чуқур ва муфассал асосланиб, Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти давомида ўз олдига қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, хаёт сифатини яхшилаш ва жахон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни чуқур илмий таҳлил қилинган ҳолда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, бу йўналишлар бўйича олдимизда турган конкрет вазифалар белгилаб берилган эди.

Бу устувор йўналишлар қуйидагилардан иборат.

- давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш;
- суд -ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш; сўз эркинлигини таъминлаш;
- Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш;
- Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

Бу йўналишларнинг ҳаммаси ўзаро узвий боғлиқдир. Уларнинг ҳар бири бўйича белгиланган вазифаларни амалга

ошириш бошқа йўналишлардаги ислохотларга ҳам ўзининг бевосита таъсирини ўтказади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “...агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий- сиёсий ва суд- ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилиб бориш жараёнлари билан ўзро аниқ ва чуқур узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз”¹.

Бу йўналишларнинг ўзаро узвий боғлиқлигини қуйидаги мисолда ҳам кузатиш мумкин. Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бевосита мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга олиб келади. Иқтисодиётнинг ривожланиши халқ фаровонлигини таъминлайди. Бу вазифаларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, назорат органлари, суд органлари томонидан кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилмасдан амалга ошириб бўлмайди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳам назарий, ҳам ҳуқуқий асосларга таянади. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” ислохотларнинг назарий асоси вазифасини ўтайди.

Ислохотларнинг ҳуқуқий асослари эса Ўзбекистон Конституцияси, конституциявий қонунлар, қонунлар, олий мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Президентининг

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.// Т. 2010 й., 8-бет.

фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатлардир. Давлат бу ҳуқуқий асосларни қабул қилиш ва амалда уларнинг ижро этилишига эришиш орқали жамиятни бошқаради ва юртбошимиз томонидан белгилаб берилган ва мустақиллик йилларида ўзини тўла оқлаган бешта асосий тамойилдан бири давлат бош ислоҳотчи эканлигини амалда таъминлайди.

Бу ҳуқуқий асослар ичида Конституция алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки конституцияда принципиал ва умумий , энг муҳим қоидалар ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин биринчи навбатда ўз Конституциясини қабул қилди ва унга мувофиқ бошқа қонунларини ва қонуности ҳужжатларини белгилаб берди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар-бир ҳақиқатни эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ, яъни ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Ислоҳотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас. Ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ниҳоя билмайди. Албатта, бирон-бир босқич яқунланиш мумкин, аммо ҳаётнинг ўзи янгидан-янги босқич ва вазифаларни олдимизга қўяверади.

Шунинг учун ҳам “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳаёт олдимизга қўяётган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Конституциясининг айрим моддалрига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши зарурати белгилаб берилди.

Қонунда ўзбекистон Коснтиуциясининг Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи ҳокимиятнинг юқори органи

сифатидаги ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берувчи 98- моддаси янги таҳрирда баён қилинди ва у илгари таҳрирдан асосан қуйидаги ҳолатлар билан фарқ қилади.

Биринчидан. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Иккинчидан. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига парламент томонидан Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш институти жорий этилмоқда. Эндиликда бош вазир ва олий мажлиснинг қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда қонунчилик палатаси депутатлаир умумий сонининг камида учдан бир қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлиси муҳокамасида бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақида масала киритилади.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади. Бу қоида, бир томондан, мамлакатни бошқаришда парламент ролининг янада оширилишини таъминласа, иккинчи томонидан, нафақат Бош вазирнинг, балки ҳукумат аъзолари ҳар бирининг ҳам масъулиятини кучайтиришга ва натижада Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг янада яхшиланишига олиб келади ва шу асосда мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётига хисса қўшади.

Учинчидан. Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг Олий Мажлис палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Тўртинчидан. Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Олий Мажлисни тарқатиб юборади.

Конституциянинг 93-моддаси 15-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентига вилоятлар хокимларини ҳамда Тошкент шаҳар хокимини қонунга мувофиқ тайинлаш ёки лавозимидан озод этиш учун уларнинг номзодини тақдим этиш ҳуқуқи Бош вазирга берилмоқда. Бу, бир томондан, вилоят хокимларини ва тошкент шаҳар хокимини лавозимидан озод этишда Бош вазирнинг ваколатларини кенгайтирса, иккинчи томонидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳри тараққиёти учун Бош вазирнинг масъулиятини кучайтиради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 96-моддаси янги таҳрирда баён этилмоқда. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Олий Мажлис Сенати Раисининг зиммасига юклатилади. Бунда уч ой муддат ичида. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга биноан мамлакат президенти сайлови ўтказилади.

Ушбу модданинг илгариги таҳририга мувофиқ, бундай ҳолларда Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи

Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари орасидан сайланар эди. Конституцияда Президент вазифасини вақтинча бажараувчининг аниқ кўрсатиб қўйилиши Олий Мажлис палаталари ўртасидаги бўлиши мумкин бўлган ортиқча тортишувларнинг олдини олади. Қонунга мувофиқ, Конституциянинг 93-моддаси 12-бандига ҳамда, 80-моддаси 6-бандига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда. Уларга кўра, Ўзбекистон Республикаси президенти Ўзбекистон Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги масалани Олий Мажлис Сенати тасдиғига киритади. Сенат Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлайди. Олий Мажлис Сенатига бундай ваколатнинг берилиши парламент томонидан кадрлар сиёсатини амалга ошириш орқали Ўзбекистон давлат бюджети ижросини назорат қилиш ваколатини янада такомиллаштиради.

Конституциянинг ушбу моддаларидан Бош прокурорнинг ўринбосарларига тааллуқли нормалар чақирилмоқда. Албатта, бош прокурорнинг ўринбосарларини эндиликда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тартиби қандай булади, деган савол туғилиши табиий. Уларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Ўзбекистон Президенти томонидан амалга оширилади. Аммо Президентнинг бу тўғридаги ҳужжатлари Олий Мажлис Сенати тасдиғига киритилмайди. Ушбу тартиб Конституциямизнинг бош қонун сифатидаги ролини таъминлаш мақсадида киритилмоқда ва у Конституция даражасида эмас, фақат оддий қонун даражасида, яъни

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонун даражасида ўз ифодасини топиш тўғри бўлади.

Конституцияга киритилаётган ушбу ўзгариш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларига ва бошқа норматив- ҳуқуқий ҳужжатларига, жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги ва “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилишини тақозо этади.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80,93,96 ва 98- моддаларига)”ги Қонуннинг қабул қилиниши ва юридик кучга киритиш ўз мазмун-моҳият билан мамлакатимизда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва демократлаштириш янги босқичини бошлаб берди десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзбекистон Конституцияси мамлакатимизда собитқадамлик билан амалга оширилаётган янгиланишларнинг, демократик ислохотларнинг ҳуқуқий замини бўлиб, бундан кейин ҳам халқ манфаати йўлида хизмат қилаверади.

ХУЛОСА

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича қуйидаги умумий хулосага келиш мумкин.

- Давлат ҳокимиятининг конституциявий бўлиниш принципи янада демократлаштирилмоқда.
- Марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари, маъмурий органлар ваколатлари, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги роли камайтирилмоқда.
- Бошқарув соҳасидаги марказлаштириш чекланмоқда.
- 2007 йилда Ўзбекистон Конституцияси 89-моддасига тузатишлар киритилди. Президент-давлат бошлиғи сифатида давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ва ҳамкорлигини таъминламоқда.
- Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозими тугатилиб, Бош вазир лавозими жорий қилинди ва бу жараён янада либераллаштирилмоқда.
- Давлат ҳокимиятининг 3 та субъекти: давлат бошлиғи бўлган Президент, Қонун чиқарувчи, Ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги тақсимланиш янада мустахкамланмоқда.
- Сиёсий тизимни модернизация қилиш, ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичига қадам қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида Президент томонидан Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлаш бўйича демократик принципнинг янги тартиби ўрнатилмоқда. Олий Мажлис Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи берилмоқда.

- Бош вазир номзоди президент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши белгиланиб, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институти жорий этилмоқда.
- Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Президент ваколатидан чақирилмоқда.
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 96- моддасининг янги таҳририга кўра, Президентнинг вазифа ва ваколатларига доир янги тақлифлар асосида 78 ва 93- моддаларга тегишли ўзгартиришлар киритиш белгилаб берилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли.
- Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз ваколатларини бажара олмайдиган ҳолатда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Олий Мажлис Сенати раиси зиммасига юклатилади ҳамда бунда уч ой ичида қонунга мувофиқ Президентлик сайлови ўтказилади.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Бош прокурори, Ҳисоб палатаси раисини тайинлайдиган ва уларни лавозимидан озод қилади, ҳамда Олий Мажлис Сенати тасдиғига киритади.
- Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Бош вазир тақдимига кўра, Президент томонидан тасдиқланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Тошкент:Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”. “Халқ сўзи”2011 йил 7 апрель, №68 (5235).
3. Ўзбекистон РеспубликасиПрезидентининг Қарори “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”. “Халқ сўзи”, 2011 йил 21 май, №100.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида: Асарлар, 6-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.- Асарлар, 8-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
6. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш.-Т.: Ўзбекистон, 2009.-24б.
7. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12-ноябрь, -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон- бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.-Т.: Ўзбекистон, 1993.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010.- 280 бет.
11. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Асарлар, 7-жилд.- Т.: Ўзбекистон, 1999.
12. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд, Т.: Ўзбекистон, 2000 й.
13. Каримов И.А. Биз танланган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар, 11-жилд.- Т.: Ўзбекистон, 2003.
14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади. Асарлар, 13-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2005.
15. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ/ А.А. Азизхўжаев, Ф. Абдумажидов, М.А. Аҳмадшаева ва бошқалар; масъул муҳаррир А.А. Азизхўжаев; ЎзР Адлия вазирлиги, тошкент давлат юридик институти/.-Тошкент:Ўзбекистон, 2008.
16. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; нашр учун масъул А.Бекмуродов (ва бошқ).Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёти-матбаа ижодий уйи, 2010.-148 бет.
17. Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиков С.-Т.: “Адолат”, 1999.

18. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005.
19. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат./ муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф. Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқа.; Р. Рўзиев ва Қ. Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри./ Т.: “Шарқ”, 2006.
20. Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. /Қ.А.Аҳмедовнинг умумий таҳрири остида/. Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
21. Бердиев Б. Ўзбекистонда сиёсий тизимни модернизациялаш ислохотларининг ўзига хос қадамлари// Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2007 й. 4 сон.
22. Саидов А.Х. Избирательное право в Республике Узбекистон: вопросы реформы, законодательство и зарубежный опыт (юридические и политологические заметки). –Т.: Ўзбекистон, 1993.
23. Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов тизими. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев.-Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.
24. Мустафоев Б. Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги.- Т.: ТДЮИ, 2004.
25. Мирбобоев Б. Давлат ҳокимияти ва бошқарув// Ҳуқуқ ва бурч, 2011.3-сон.
26. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва фуқароларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х. Саидов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.-40б.
27. Иброҳимов А. Ёруғлуғ.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.

28. Каримов Б.Р. Фуқаролик жамиятини куриш ва Ўзбекистон мустақиллиги.- ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этган “Инсон манфаатларининг ҳимояланиши- фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили” мавзусидаги республика илмий- назарий конференцияси материаллари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007.

29. Раупов С.С. Конституциявий ислоҳотлар- демократия кафолати// БухДУ илмий ахборотлари, 2011., 4 сон.

30.Интернет маълумотлари: www.ziyonet.uz, www.lex.uz, www.norma.uz, www.gov.uz О'zbekiston Respublikasi Davlat hokimiyati portali,

www.press-servise.uz О'zbekiston Respublikasi Prezidentining matbuot xizmati.

www.imal.uz/ О'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi amaldagi qonun hujjatlari monitoringi instituti.